

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 22-may / CHORSHANBA / № 35 (13694)

# HAQIQATI

Республикамиз иқтисодининг энг етакчи тармоқларидан бири саналган кимё саноати мамлакатимиз равнақи, хусусан, унинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга салмоқли ҳисса кўшиб келади. Мамлакатимиз кимё саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш қуввати Ўзбекистоннинг кимё маҳсулотларига бўлган ички талабини тўла таъминлаш баробарида экспорт қилиш имконини бермоқда. Ўзбекистоннинг кимё саноати маҳсулотларини дунёнинг ўттизга яқин давлати харид қилиб келаётгани сўзимизнинг тасдиғидир.



## КИМЁ СANOATINING ЁРҚИН ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ислохот одимлари



2

### Вилоят бўйлаб

ТОШКЕНТ вилояти ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, автомобиль йўллариди ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жорий йил 20 майдан 20 июнга қадар "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади.

ОПМАЛИҚ шаҳрида ОКМК акциядорлик жамияти ҳомийлигида "Қурувчилар боғи" фойдаланишга топширилди. Боғнинг умумий майдони 7,5 гектар бўлиб, бу ерга қўшдан қувватланган ёриткичлар ва ўриндиқлар ўрнатилди. 1 минг 300 метр бетон йўлакларни ётқизилиб, 3 минг 150 тул дарахт, 25 минг дона гул кўчатлари экилди.

АНГРЕН шаҳар ҳоқими А. Райимов хорижда ишлаётган ангреник фуқаролар билан онлайн мулоқот қилиб, мурожаатларини тинглади. Сўнгра масъуллар билан "Гулбоғ" маҳалласида яшовчи, аини пайтда Россия Федерациясининг Магадан шаҳрида ишлаётган фуқаронинг ониси ва фарзандларини йўқлаб, уларнинг ҳолидан хабар олди.

ПИСКЕНТ тумани ҳоқимлиги, прокуратураси, ички ишлар ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Меҳнат ярмаркасида тумандаги 42 та корхона ва ташкилот 326 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

## Оромгоҳлар мавсумга шайми?

Ёз - 2024

Яна саноқли кунлардан сўнг мактаб ўқувчилари учун "сўнгги кўнғирок" чалинади ва ёзги таътил бошланади. Албатта, ёзги таътил қанчалик мароқли ва мазмунли ўтса, болаларнинг келгуси ўқишларида шунчалик яхши натижа беради. Шундай экан, ёзги оромгоҳлар мавсумга шайми ва қанча бола қамраб олинади?

Бу саволга Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бўлим бошлиғи ўринбосари Баҳромжон АМИНОВ қуйдагича жавоб берди:

– Маълумки, ёзги таътил болаларнинг руҳий зўриқишларини пасайтиради ва келгуси ўқув мавсумига тайёрлайди. Ёз мавсумида ёшларнинг вақтини мароқли ва мазмунли ўтказиш борасида Республика Касаба уюшмалари, вазирлик ва идоралар ҳузуридаги 192 та ёзги стационар оромгоҳда 158 минг

нафар, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги 32 та оромгоҳга 9 минг нафар болалар қамраб олинishi режалаштирилмоқда. Уларда фаолият юритадиган 5 минг 571 нафар педагог кадрлар рўйхати шакллантирилиб, 36 соатлик маҳсул дастурлар асосида ўқитилди.



3

## Паркеннинг меҳр ҳовлиси

Орамиздаги одамлар



Ўзбек миллатига хос қадриятлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатига учрамайди. Айниқса, болажонлик, оилапарварлик, меҳр-оқибат фазилатлари қон-қонимизга сингиб кетган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ота-онасидан етим қолган, уй-жойи вайрон бўлган, яқинларидан ажралган минглаб болаларнинг ўзбек хонадонларида паноҳ топанларига тарих гувоҳ. Уша пайтлар халқимиз ўзининг бир бурда нонини ҳам шу болалар билан баҳам кўрди, уларни тарбия қилиб, оқ юви-оқ тараб, парваришлади. Темирчи Шоаҳмад ота ва Бахри ая Шоаҳмудовларнинг жасорати ҳақида собиқ совет давлатида эшитмаган, билмаган одам йўқ эди. Улар Иккинчи жаҳон уруши даврида турли миллатта мансуб 13 нафар ўғил-қизни ўз тарбияларига олиб, инсонпарварликнинг юксак намунасини кўрсатишган. Эътиборлиси, юртимизда бундай меҳри дарё инсонлар ҳозир ҳам бор.

4

## Жараён

### Бўстонлик яна бир катта форум мезбони

Бўстонлик туманида жойлашган "Ёшлар оромгоҳи"да Ўзбекистон болалар ташкилоти томонидан ўтказилаётган Республика болалар форумининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Болаларни миллий ғоя асосида Ватанга содиқ фарзанд этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятларини намоён қилишлари ҳамда ривожлантириш мақсадида ташкил этилган форумда 196 нафар ҳудудий Сардорлар кенгаши аъзолари ва 100 нафарга яқин Республика болалар форуми йўлланмасини кўлга киритган фаол болалар иштирок этмоқда.

Тадбир аввалида ҳудудий ва республика сардорларининг фаолиятлари юзасидан ахбороти тингланди ва қабул қилинди. Очилиш маросими сўнггида истеъдодли ёшлар ва эстрадамизнинг ёрқин юлдузлари иштирокида гала-концерт намойиш этилди.

Форум доирасида "Қадрият, урф-одат, анъана ва болалар!" ҳудудларнинг миллий кўргазмалари ҳамда рақслар танлови, "Тунги мактуб" лойиҳаси, сардорлар ўртасида "Заковат" интеллекту-

ал ўйини, "Энг намунали ҳудудий Сардорлар кенгаши" танлови, "Қўрқма" фильми тақдироти, ёшларга хорижий тилларни ўргатиш бўйича "Ибрат" фарзандлари фаолияти билан таништириш ҳамда "Қувноқлар ва зукколар" беллашуви ташкил этилади. Шунингдек, болалар учун тренерлар томонидан маҳорат дарслари ташкил этилиб, Сардорлар кенгаши аъзолари учун ватанпарварликни синдирувчи, экологик маданиятни ошириш, ёшларда юртга садоқат, маданий меросга ҳурмат туйғуларини ҳамда Янги Ўзбекистоннинг замонавий ютуқларидан фойдаланиш ҳиссини мустаҳкамлашга бағишланган турли учрашув, танлов ва семинар-тренинглар ўтказилади.

## Қарор ва ижро

### Ёшлар учун "IT-шаҳарча"

Президентимизнинг "Ҳудудларда ёшларга рақамлаштириш ва хорижий тилларни ўрганиш учун қўшимча шароитларни яратиш" қарорига кўра, Паркент туманининг Самсарак қишлоғида "Villayat Samsarak: CREATIVE ECO IT VILLAGE" лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди. Шунингдек, ушбу ҳудудда ташкил этилиши режалаштирилган "IT-шаҳарча" қурилишига старт берилди.

Тадбирда рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов иштирок этди. "Villayat Samsarak" эко қишлоғи "Villayat" компаниялар гуруҳининг тажриба лойиҳаси бўлиб, у яшил ва ижодий иқтисодиёт доирасида фаолият юритиб, Тошкент вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Таъкидлаш лозимки, "IT-шаҳарча" ҳудудда ёшлар ўз касбини топиши, ривожланиши ва атроф-муҳит билан уйғунликда яшаш орқали жамиятга ўз ҳиссасини қўшиши, ушбу соҳани янада ривожлантириш учун ноёб макон бўлиши кўзда тутилган.

ЎЗА

## "БЕЛКА" ЯҚИНДА ОҶА БЎЛАДИ



3



**Hotam САЙДАХМЕДОВ,**  
**“Махам-Чирчиқ” АЖ**  
**бошқарув раиси:**

– Сўнги йилларда мухтарам Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги ва ғамхўрликларидан кимё саноати корхоналарини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва уларнинг фаолиятини барқарорлаштириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш, бир сўз билан айтганда, тармоқни янада ривожлантириш бўйича муҳим чора-тадбирлар ишчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, кимё саноатини жадал ривожлантириш ва диверсификация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалда рўёбга чиқариш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда корхоналарнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш орқали тармоқнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмақда.

Бир сўз билан айтганда, кимё саноатининг беқийс имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш бугун амалиётга жорий қилинаётган муҳим стратегик лойиҳаларнинг бош мақсади ҳисобланади.

“Махам-Чирчиқ” акциядорлик жамияти мамлакатимиз иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган ноёб тузилмалардан биридир. У Ўзбекистондаги кимё корхоналарининг асосчиси, Марказий Осиёдаги азотли минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган ва Чирчиқ шаҳри барпо этилишига сабаб бўлган биринчи корхонадир.

1932 йилда Чирчиқ азотли минерал ўғитлар заводи қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Корхона дастлаб “Чирчиқ электрокимёкомбинати” деб номланган эди. 1975 йилда “Электрокимёкорхонаси” деб қайта номланди. 2002 йил 25 январда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш Давлат дастурига мувофиқ “Электрокимёсаноат” ишлаб чиқариш корхонаси “Elektrokimyosanoat” очик акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил этилди.

2007 йилда хорижий инвестор “Махам Корп. С. А.У.” корпорацияси томонидан заводнинг акциялар пакети сотиб олинди ва корхона “Махам-Чирчиқ” акциядорлик жамиятига айланди. Ҳозирги кунда мазкур АЖ қўшма корхона мақомида бўлган (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

либ, “Uzkimyosanoat” АЖ ва “Махам Корп. С. А.У.” корпорацияси унинг таъсисчилари саналади.

“Махам Корп. С. А.У.” корпорацияси дунёда асосий кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилардан биридир. Унинг штаб квартираси Испанияда жойлашган бўлиб, дунёнинг турли минтақаларида вакиллик ва ишлаб чиқариш қувватларига эга. Айтиш мумкинки, бугун “Махам-Чирчиқ” АЖ тимсолида юртимизда қарий 85 йилдан буён минерал ўғитлар ва бошқа кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир.

Корхона бунёд этилгандан бунён истеъмолчининг ишлаб чиқариладиган ва етказиб бериладиган юқори сифатли маҳсулотга бўлган талаби сезиларли даражада ўсиб бормоқда.

Бугунги кунда корхонада карбамид, аммиакли

аммиак, концентранланган нитрат кислота ва фосфомочевина ишлаб чиқариш. Бу эса, ўз навбатида, ички бозорни кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини кўпайтиришга имкон яратди.

Мамлакатимизда олиб борилган иқтисодий ислохотларнинг босқичма-босқичлиги ва изчиллиги таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва халқаро талабларда сифат мезонларини ҳисобга олиб, “Махам-Чирчиқ” АЖда юқори малакали кадрлар тайёрлашга катта масъулият билан ёндашилади. Корхонада малакали мутахассис ва мураббийлар фаолият юритади, улар ҳар бир ишчи билан индивидуал шугулланадилар. Назарий ва амалий машғулотлар учун дастурлар ишлаб чиқилган. Ишчи ва муҳандис-техник ходимлар назарий билимларини оширишлари учун етарли ўқув ва техник адабиётлар мавжуд.

Бундан ташқари, “Махам-Чирчиқ” АЖ қошида ўқув ва малака ошириш маркази ташкил этилган. Бу ерда ёш ишчи-ходимлар

га мувофиқ мамлакатда биринчилардан бўлиб “Тоша Ривожланиш Механизми” лойиҳасини амалга оширди. Ушбу лойиҳа “Узкимёсаноат” АЖ раҳбарлигида “Mitsubishi Cogrotation” компанияси билан ҳамкорликда олиб борилди.

Заводда санитария-ҳимоя зонаси ҳамда Чирчиқ шаҳар ва унга ёндаш ҳудудларни экологик ҳолатининг доимий назорати олиб борилди. Ушбу ҳудудларда атмосфера ҳавоси таркибини узлуксиз назорат қилиш учун ўрнатилган стационар постларга ўзи ёзувчи “ОПТЕС” (Россия) русумли газоанализаторлар ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида экологик ҳолат мониторинг қилинади. Газоанализатордаги маълумотлар онлайн режимда корхона диспетчерига, санитария лабораториясига, Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлигига, Гидрометеорология хизмати агентлигининг маълумотлар базасига интеграция қилинган. Шунингдек, атмосферага ифлослантирувчи моддаларнинг белгиланган меъёрдан ошиш кетмаслигини доимий мониторинг ва

ра-тадбирлари тўғрисида”ги Фармолардан иқтисодиёт таъминлаш мақсадида 2024 йилнинг ўзида корхона ва унга туташ ҳудудларда 100 минг тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

Республикада замонавий технологиялар асосида «яшил водород» ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва иқтисодиёт тармоқларининг ушбу маҳсулотга бўлган талабини қондириш мақсадида Саудия Арабистонининг «ACWA Power Company» компанияси ва «Узкимёсаноат» АЖ билан биргаликда жорий йилда «Махам-Чирчиқ» АЖ негизда қуввати 3 минг тонна бўлган «яшил водород» ишлаб чиқариш заводи қуриш бошланди. Таъкидлаш жоиз, мазкур хориж компанияси Ўзбекистонда, жумладан, Тошкент вилоятининг қатор ҳудудларида фотоэлектрстанцияларини бунёд этмоқда.

Корхона ўзининг тиббий реабилитация марказига эга бўлиб, бу ерда барча шароитлар яратилган. Ҳар йили 1,5 минг нафарга яқин ходимлар ва кор-

ланган марказда кўриқдан ўтказиш ва даволаш учун лабораториялар мавжуд.

Корхонамиз мамлакат маданият ва спорт соҳалари ривожига ҳам озми-кўпми ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, ҳозирда футбол бўйича Ўзбекистон Олий лигасида иштирок этаётган “Махам-Чирчиқ” жамоаси 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, жорий йилги чемпионатда кучли бешликдан ўрин олган ҳолда етакчилар билан кучли рақобат қилиб келаётгани қувонарли.

Бундан ташқари, корхонамиз ўз маданият саройига эга. 2021-2022 йилларда мазкур объектда кенг қўламли таъмирлаш ва реставрация ишлари амалга оширилди. Ҳозирги кунда бу ерда нафақат корхона ишчилари, балки уларнинг оила аъзолари, “Мадад” фахрийлар жамоаси учун турли тадбирлар ва кўрғазмалар ташкил этилмоқда. Шунингдек, маданият маскани вилоят ва республика миёсидаги турли тадбирларга ҳам мезбонлик қилиб келмоқда.

Маданият саройи қошида турли йўналишдаги кўплаб ижодий студиялар фаолият юритади. Хорижий тиллар, бисер тўқимачилиги, расм чизиш ва хореография, театр ва нотиклик санъати тўғрисидаги шўла жумласидандир.

Шунингдек, корхонамиз “Кимёгар” болалар соғломлаштириш оромгоҳига ҳам эга бўлиб, у ерда ҳар йили ишчиларнинг мингга яқин болалари қабул қилинади. Фарзандларимизнинг фаол ва қизиқарли дам олишлари учун оромгоҳда барча зарур шароитлар яратилган: очик бассейн, болалар ўйингоҳи, тематик машғулотлар ва ижодий клуб, доимий фаолият кўрсатадиган ошона, тиббиёт маскани, турли тадбирларни ўтказиш учун сахна хизматига шай.

Профессионал педагоглар футбол, волейбол, теннис, енгил атлетика, сузиш, шашка ва шахмат бўйича машғулотлар ўтказишади. Дастурларга турли мусобақа ва эстафеталар ҳам киритилган.

Муҳтабар айтганда, “Ма-


# КИМЁ СANOATINING ЁРҚИН ИСТИҚБОЛЛАРИ

селитра, аммоний сульфат, КАС, суюқ техник аммиак, сувли техник аммиак, концентранланган нитрат кислотаси, концентранланган нитрат кислотаси, катализаторлар, суюқ ва газсимон икки оксидли углевод каби 40 дан ортиқ турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Улар халқ ҳўжалигининг кўп тармоқларида, хусусан, кимё, электроника, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалигида қўлланилади.

2020-2021 йилларда корхонада аммиакли селитра ишлаб чиқариш технологик жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилди. Ҳозирда молиявий, ҳўжалик ва ташкилий жараёнларни мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭРП)ни жорий этиш ишлари сўнги босқичда

сабоқ оладилар. Муҳандис-техник ходимлар ва мутахассислар ўқув марказлари ва институтларда малака оширадилар. Уларни мақсадли тайёрлаш учун олий ўқув юрталари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Корхонамизда сифатни назорат қилиш лабораториялари зарур бўлган ўлчов воситалари ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда ишлаб чиқариладиган барча маҳсулот турлари пухта



давом этмоқда. Шунингдек, жорий йилда тайёр маҳсулотларни маркировкалашнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини амалиётда татбиқ этиш режалаштирилган.

Турли йилларда ўтказилган сертификация аудит натижалари бўйича корхонага қуйидаги соҳалар бўйича халқаро даражадаги мувофиқлик сертификати берилди: аммиак селитраси, карбамид, суюқ

лаборатория текширувларидан ўтати.

Бизда ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳитга чиқаётган зарарли моддаларни сезиларли камайтиришга устувор аҳамият қаратилади. Бу эса, ўз навбатида атмосфера ва оқова сувларга чиқаётган зарарли қиқиндиларни қисқартиришга имкон яратмоқда.

Корхонамиз Киото баённомаси-

назорат қилиш учун Буюк Британия ҳамда Германияда ишлаб чиқарилган энг сўнги русумдаги газ-тахлил ускуналари ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чо-

хона фахрийлари юқори малакали шифокорларнинг назорати остида ўз саломатликларини тиклаб бордилар.

Бундан ташқари, марказ белгиланган жадвал асосида корхона ишчилари ва уларнинг оила аъзоларининг касалликларини аниқлаш ва зарурат бўлганда эмлашни ўтказиш учун диспансер кўригидан ўтказилади. Замонавий ускуналар билан жиҳоз-

лам “Махам-Чирчиқ” АЖ жамоаси республикамиз кимё саноати раванқига салмоқли ҳисса қўшиб келаётгани билан ҳақли равишда фахрланади. Чирчиқнинг “Кимёгарлар шаҳри” деган юксак мақомига муносиб фаолият олиб бориш жамоамиз фаолиятининг асосий мезонига, ҳар бир кимёгарнинг умр мазмунига айланган, десак асло муболага бўлмайд.

**Май ойининг сўнги яқшанбаси мамлакатимизда**  
**Кимёгарлар кунини сифатида кенг нишонланади.**  
**Фурсатдан фойдаланиб, доимий муштарийимиз**

## “Махам-Чирчиқ” АЖнинг

**салоҳиятли жамоасини касб байрамлари билан самимий муборакбод этамиз!**

**Барча кимёгарлар ва уларнинг оила аъзоларига**  
**сиҳат-саломатлик, хонадонларига**  
**тинчлик-хотиржамлик, шарафли касбларида**  
**янги ютуқ ва омадлар тилаймиз!**

“Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари тахририяти



Йўл-йўлакай

Дам олиш куни қайдасан қишлоғим, дея Қашқадарё томон ошиқдим. Таксига ўтириб, вокзалга бордим. Аранг улгурдим. Текширувлардан ўтиб, вагонга югурдим, Чиқишим билан поезд жўнади. Билетда кўрсатилган кулега борсам, учта ўрта ёшли акалар қизғин суҳбат қилиб кетишяпти.

Одоб юзасидан салом бердим, улар алик олишди. — Биз бу жойнинг эгаси қолиб кетди, деб ўйловдик, — деди тўлачадан келган йигит. — Насиб-да! Агар пешонасига бугун кетиш ёзилмаганда, уйдан неча соат олдин чиққандам улгурмасди. Шунинг учун насибда гап катта-да, жўралар, — дея суҳбатга аралашди озгин, тепакал йигит. — Кечиксам улгурди-ку! Билет менда, поезд қаерга-ям кетарди, деб ўйлаганди-да, — кулимсиради дароз шерик.

Ҳаммамиз кулдик. Бу йигитлар хизматдошиникига тўйга кетишгаётган экан. Тўлачадан келган йигитнинг исми Зокир, кўп китоб ўқиганидан сочлари бошини тарк этган аканинг исми Акмал, хушчақчаги Пўлат экан. Зокир ака математика бўйича докторантурада тахсил олар, Акмал ака файласуф, Пўлат ака банк ходими экан. Улар ўзларини менга яқин олиб, касбу корим, туриш-турмушим билан қизиқтирди. Ҳали талаба эканим, шу йил ўқини тугатишим, тахририятда ишлаётганим ҳақида гапириб, тагин ҳи-коялар ёзиб туришим-у, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан биринчи китобим чиқганини ҳам жиндай кистириб ўтдим.

Қаранг-ки, ҳаммалари бадийи адабиётга қизиқшар экан. Бу ёғи Абдулла Ориф ижодидан бошланган суҳбат, жаҳон адабиётига улашиб, Толстойнинг ижодий мероси билан давом этди.

Гурунгимиз қизиб, мавзу бугунги ўзгаришларга ўтди. — Бир кўшиқда салтанат юки оғир, деган мисралар бор эди, — деди Акмал ака. — Тўғрида, бутун бир миллат тақдирига жавоб беришнинг ўзи бўладими? Базилар ўз оиласини эплай олмаётган бир пайтда, Юртбошимизга раҳмат айтишимиз керак. Кўряписизлар, дунёда қандай хунрезликлар бўлаётганини. Шукрки, мамлакатимиз тинч, ҳаётимиз фаровон. Бунинг қадрини билишимиз керак.

— Ҳа, тинчлик бор жойда ривожланиш ҳам бўлади, — деди Зокир ака. — Юртимиз кундан-кунга чироқ очаяпти.

— Рақамли иқтисодиётдаги ўзгаришларни ўз кўзим билан кўряпман, — дея суҳбатга қўшилди Пўлат ака. — Барча соҳалар, айниқса, алоқа ва интернет коммуникацияси билан боғлиқ йўналишлар ривожланаверса, бюджетимиз сезиларли бойиёди. Энди, пул тафаккурида, билимда, жўралар. Бутун халқни пахтага "қувиш" дамлари орта қолгани рост бўлсин. Пахта келтираётган фойдани бемалол бир неча замонавий касблар

ШУКРОНАЛИК САОДАТИ



орқали топшиш мумкин. Сунги йиллардаги илоҳотлар меваси зўр бўлади.

Мен тинглаб кетяпман. Ора-орада савол бериб қоламан.

Ҳамма мусофир болаларга бошлана бўлган азим пойтахтимиз

Тошкентдаги ўзгаришлар ҳақида ҳам гаплашдик. — Мана, масалан, ер усти метросини олайлик, қандай катта лойиҳа бўлди, — дея суҳбатни жонлантирди Зокир ака. — Нечаллаб манзилларни яқин қилди. Масалан, Қўйлиқдан Беруний метросигача битта транспортда етвозилиш мумкин! Ҳам қулай, ҳам талабаларнинг пули тежаллади. Биз ўқиган пайтлар кўп умримиз йўлда, транспортларга осилиб ўтарди. Ҳозиргиларга ҳавасим келади.

— Мен бир нарсага ҳайронман, интернетга кириб ҳамма нарсдан нолишаверади. Ахир, камчилик қаерда йўқ. Ҳар бир жойнинг ўзига яраша тошу тарозиси, оғиру энгили, камчилиги ютуғи бор. Ижтимоий тармоқда норозилик кайфия-

ти кўтаришга уриниш нимага керак. Ўйлаб қоламан, шу одамларнинг бошқа қиладиган иши йўқмикан? Энг ёмони ёшларимизни йўлдан оғдирмоқчи бўлишга уринишлари. Шунинг учун маънавий, фикрий хуружлардан эҳтиёт бўлишимиз ва маърифат билан қуролланиб курашшимиз даркор! Яқинда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаевнинг тинчлик ҳақида сўзлаган жуда таъсирли нутқини эшитдим. Жуда мазмунли гапирдилар, — деди Акмал ака.

— Бизда фақат таниш-билиши борларгина муваффақиятга эришади, деган тасаввур борлиги ёмонда, — деди Пўлат ака. — Кўп кузатдим, ҳаракат қилган одам ўз йўлини топяпти. Масалан, учаламиздан ҳеч биримизнинг танишимиз йўқ-ку, бизни ўқиб, иш, мансаб билан таъминлаб қўйган. Нимагаки эришган бўлсак, меҳнатимиз, ҳаракатимиз тўфайлидир. Ёки тўйига бораётган ошнамиз Жасурни олайлик, ҳеч кими йўқ сағир йигит эди. Мана, ўқиди, изланди. Ҳозир катта бир компаниянинг муҳандиси. Бахтини топди. Демак, ҳамма гап инсоннинг ўзига, нияти ва сазй-ҳаракатига боғлиқ...

— Тўппа-тўғри! Ҳалол яшасак, инсофу диёнати бўлсак, албатта, кўзлаган максадимизга етамиз. Энг муҳими, тинчлигимизга кўз тегмасин. Мана, юртимиз тинч бўлгани учун тўйга кетяпмиз. Ҳаммамизни тўйларга етказсин!..

Поезд елиб борар, биз эса гурунда давом этардик. Кузатувчи йўловчиларни оғоҳлантирди. Ҳамроҳлар билан қаққақлашиб, манзилга етганимни ҳам сезмай қолибман. Қарши станциясида тўхтадик. Шериклар билан эски қадрдонлардек хайрлашдик. Улар манзиллари сари давом эттишти. Аъло кайфиятда тоза ҳаводан тўйиб нафас олдим...

Зикрилла МАМАТОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири



Сўраган эдингиз

— Бола боғчага келмаган кунлари учун тўлов қилинадими? Ирода ТУРҒУНОВА Зангиота тумани

Саволга Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси Муҳаммадамин КАРИМЖОНОВ жавоб беради:

— Боланинг боғчага кетма-кет уч кундан ортиқ келмаган даври учун тўланган тўловлар қўйидаги сабаблар билан кейинги тўловларни амалга оширишда ҳисобга олинади:

- боланинг ёки оила аъзоларининг касаллиги сабабли;
• карантин ҳолатида бўлганлиги туфайли;
• ота-оналардан бирининг ишдан, ўқишдан бўш вақти даврида ёки бошқа сабабларга кўра.

— Ўзини ўзи банд қилганлар 100 миллион сўмгача кредит олишлари мумкинми? Руслан МАЛИКОВ Чирчиқ шаҳри

Саволга Тошкент давлат юридик университети Юридик клиникаси ходими Жавоҳир ЭШОНҚУЛОВ жавоб беради:

— Президентимизнинг "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига биноан 2024 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга кредитлар ажратилади.

Жумладан, 33 миллион сўмгача, бир йилдан сўнг ушбу қарз олувчининг тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги, қарзининг мақсадли ишлатилгани ҳамда заруратга қараб гуруҳ қафиллиги (камида 3 нафар фуқаро) билан қўшимча 50 миллион сўмгача револьвер асосида берилди.

Ушбу кредитлардан томорқани ривожлантиришнинг бир неча йўналишларида, хусусан, паррандачилик, қўнчилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик ва ихчам иссиқхона учун фойдаланиши, ер майдони 10 сотихдан ортиқ бўлган томорқа ер эгаларига ва ижарачиларга 50 миллион сўмгача гаровсиз ҳамда 10 сотихли ихчам иссиқхоналарни барпо этиш ва балиқчилик фаолиятини ташкил этиш учун 100 миллион сўмгача гаровсиз ажратилади.

Бунда чорвачиликни ривожлантириш йўналишида кредитлар туман (шаҳар) ветеринария бўлими томонидан идентификация қилинган (биркалш усули) ва ҳақиқатан етказиб берилган чорва молларини сотиб олишга, аҳоли томорқасида бизнесни йўлга қўйиш учун ўзларининг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик қилишни истаган аҳолига иссиқхона қуриш, чорва моллари боқиш, томорқага мавсумий экинлар экиш учун кредитлар бириктирилган банк ва ҳоким ёрдамчисининг ушбу тадбирлар амалга оширилиши борасидаги қафиллиги асосида нақд пулда берилиши мумкин.

Маҳаллага бириктирилган банк ва ҳоким ёрдамчиси маҳалладаги кредитлар ҳисобига амалга оширилаётган оилавий тадбиркорлик лойиҳаларининг натижадорлиги учун тенг манфаатдор ва жавобгар бўлади.

Мактаб "ремонти" кимнинг "бўйнида"?



Дарвоқе

Умумтаълим мактабларини таъмирлашни ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник базасини бутлаш тегишли тартибда туман(шаҳар) ҳокимларининг мажбурияти ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 07.12.2019 йилги 393-сонли буйруғига асосан умумтаълим мактабларидаги ўқитувчиларнинг асосий вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ичида синф хонасини ёки мактабнинг маълум бир қисмини таъмирлаш ҳақида бирор бир қоида белгиланмаган.

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Бундан ташқари, вазирлик томонидан "Мактаббодди оромгоҳлар" ташкил қилинади. Стационар оромгоҳларга жалб этилмаган болалар учун яшаш манзилларига яқин жойлашган таълим муассасаларида 1 миң 105 та соғломлаштириш майдончалари (бепул) ташкил этилади ва уларда 174 миң 297 нафар болалар дам олишлари мумкин. Хусусан, Тошкент вилоятида фаолият олиб бораётган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардан 5 тасининг 740 нафар ўқувчилари стационар оромгоҳларда дам олдирилиши режалаштирилмоқда. Бу борада, мавсум бошланишидан 10 кун аввал майдончалар маҳаллий ҳокимликлар ва масъул ташкилотлар билан биргаликда қайта кўриб чиқилади, уларнинг ҳулосасига асосан тўлиқ тайёр ҳолатга келтирилади. Шунингдек, болалар ўрта-сида китобхонлик маданиятини янада шакллантириш мақсадида оромгоҳларга 110 миң дон болалар адабиётлари етказиб берилди ва "Kitob.uz" платформасидан адабиётларнинг электрон ва аудио шаклларидан фойдаланиш бўйича шароитлар яратилди. Ёзи таътил даврида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича 219 та "Баркамол авлод" болалар мактабларида 5 та йўналишдаги тўғарақлардан иборат қисқа муддатли "Ижодкорлар оромгоҳи" фаолияти йўлга қўйилади.

Чоршанба фельетони

Юрий Гагарин собиқ совет мамлакатининг биринчи космонавти бўлган. Аммо ундан ҳам олдин синовчи-учувчилик вазифасини тирик мавжудотлар орасида Белка ва Стрелка деган итлар бажарган экан. Юра тоғамиз-ку, иккинчи парвоздан кейин ҳалок бўлди, аммо энг муҳим топшириқни қойилмақом қилиб, дунёни лол қолдирган тўрт оёқлилар самодан қайтиб тушгач... ҳар қалай ёмон яшамаган бўлишса керак.

Яқинда хизмат юзасидан Ангрэн тарафларга борган эдим. "Гурум" маҳалласидаги бинолардан бирида "шоҳона ҳаёт кечираётган" итларга кўзим тушди. Уларнинг "яшаш тарзи"ни кўриб, оз эмас, кўп эмас, бундан 63 йил-у, 63 кун аввал "оёғи ердан узилган" Бойқўнғирнинг бой-чуқлари ёдимга тушди.

Ангрэн ИЭС яқинидаги бу ҳудуд илгари "Нурчи" маҳалласи деб аталган. Уша пайтларда "Таваллуд" кўчасидаги 13-уй "Нурчи"га нур таратиб турган файзли манзилгоҳлардан бири эди. Икки қаватли ҳашаматли бинонинг қуйи қаватида МФЙ идораси, почта бўлими, дўкон, юқори қаватида кутубхона бўлган.

2013 йили "Нурчи" МФЙ тугатилди. Бу ҳудуд ва табиийки, "Таваллуд" кўчасидаги 13-уй ҳам "Гурум" маҳалласига қўшилди. Собиқ МФЙ фаолият олиб борган хоналар бўшаб қолгач, албатта улардан унумли фойдаланиш керак эди. Бино шу мақсадда иссиқлик электр станциясига ишга келган хитойликларга вақтинчалик яшаш учун ажратилди. Ҳар тугул, улардан тушган ижара пуллари бинонинг томини янгилашга яради.

Хориқликлар кузатилгач, 13-уйга бошқа "харидор"лар излашга тўғри келди. Бинони шаҳар ички ишлар бўлими тасарруфига ўтказиш масаласи кўтарилди. Бу режа "пишмағач", поликлиника ташкил



"БЕЛКА" ЯҚИНДА ОНА БЎЛАДИ



этиш таклифини ҳам айтиб кўришди. Хуллас, бу даргоҳга "мелиса"-ниям, "балниса"ниям чорлаб бўлмагач, "Гурум" маҳалласининг ўша пайтдаги раиси Холжўжа ака Юнусов эгасиз иморат харобага айланишлар бўлими тасарруфига ўтказиш масаласи кўтарилди. Бу режа "пишмағач", поликлиника ташкил

Йўқ, жа унчалок эмас. Уша пайтдаги шаҳар ҳокимининг 2015 йил 5 февраль санасти билан имзоланган "Гурум" маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган бўш бинолардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш тўғрисида"ги қарори бор. Қарорда "Гурум" МФЙ раиси зиммасига бинода тикувчилик, аёллар ва эркаклар сартарошхоналари, пойабзал тузатиш, электр асбоб-ускуналарни таъмирлаш устaxonалари ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорларни жалб этиш вазифалари юклатилган. Аммо бу юмушлар ҳозирча бажарилмай турибди...

Узунқулқ гапларга қараганда, бунинг уч-тўртта жиддий сабаблари бор эмиш: Биринчидан, МФЙ таклифлари негадир юқори идораларда қўллаб-қувватланмаяпти. Чунки иморатнинг бикинига "Мазкур мулк аукционда сотилади" деб катта-катта харфларда эълон ва телефон рақамлари ёзиб қўйилган (ўзингиз биласиз, "кўнгилиларига мос" хари-

дор топилгунча эълон эгалари "сабр билан" кутаверади). Иккинчидан, бу масканни "Таваллудфильм" учун шу ҳолатда сақлаб туришмоқчи. (Голливуд, Болливуддан кейин "Гурум" маҳалласининг "Таваллуд" кўчасида "Таваллуд" деган киностудия очиб, бу вайронларда дахшатли фильмлар олса бўлармиш. Декорация умуман шарт эмас!)

— Учунчидан, — дейишмоқда исм-шарифини айтмаган айрим суҳбатдошларимиз, — бу уйни ҳеч кимга берилмаётганига сабаб — анчадан бери бинога ўрнашиб олган жониворлар эмиш. Тўғри-да, ҳамма қулайликларга эга қўш қаватли "қаср"да бир нечта итлар Ойга учган Белка ва Стрелкадек маза қилиб яшашяпти. Мутаасдилар бир марта уларни чиқариб юбормоқчи бўлишди, аммо, раҳмлар келди. Чунки "Белка"нинг "бўйида" бор эмиш... Тўхтамурад ҲАСАНБОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Суратларда: 13-уйдан олинган лавҳалар

# Паркентнинг меҳр ҳовлиси

Паркент туманининг Самсарак қишлоғилик Бобомурод ака ва Муножат опага Аллоҳ 3 ўғил берди. Икки йил бурун Бердимуродовлар ўз фарзандлари қаторига яна саккиз нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини қабул қилганларини эшитганлардан айримлар ишонди, лекин ишонмаганлар ҳам бўлди.

Зиёли оилада воёга етиб, болалигидан меҳр-оқибат, мурувват, инсонийлик хислатлари синдирилган Бобомурод ака аёли билан анчадан бери қиз фарзанд асраб олишни ният қилишарди. Аммо қозғозликлар сабаб бу амалга ошмаганди. Оилавий болалар уйларини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинган, уларнинг нияти қатъийлашди. Аввало, бу ҳақда ота-оналарига маслаҳат солишди.

– Савоб ишни бошлабсизлар, – деди Тўхтамурод ота кўзлари намланиб. – Бир етимнинг бошини силлаганинг етмиш савоби бор, деганлар. Аммо буни тўлиқ адо этиш катта масъулият талаб қилади. Меҳрибонлик уйда тарбияланаётган болалар учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратилиб, ортиги билан ғамхўрлик қилинади. Болаларни асраб олган, уларга ҳақиқий ота-онадек меҳр бериб, ўз фарзандларингиздан ҳам кўрмай тарбиялай оласизларми?

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)

“Ҳа”, деган жавоб эр-хотиннинг иккисидан баравар чиқди. Меҳрибонлик уйига икки қизни асраб олиш ниятида борган ота-она 6 ўғилни ҳам бирга олиб келишди. Бир кунда 3 нафар фарзандлари 8 тага кўпайиб, 11 та бўлди.

жом-сарилталикни кўриб ҳайрон қолдик. Кейин билсак, болалар дарсдан бўш вақтларида уй юмушларига қарашшар: кимдир чорвага қараган, кимдир ер чолган, қизлар гул экиб, парваришлар экан. – Бизнинг уйда барчанинг ўз



Бу инсонлар ҳақида эшитиб, уларни йўқлаб бордик.

Очиғи, тўққизта ўғил бола тарбияланаётган хонадонда бироз бесаранжомлик бўлишини кутгандик. Лекин дарвозадан кириб ҳовлининг озодлиги, болалар учун ажратилган ётоқхона, дарсхона, дам олиш хоналаридаги саран-

юмуши бор, – дейди Бердимурод ака болаларга завқланиб боқаркан. – Қизлар оналари бошчилигида уйдаги тозалик, ош-овқат, пишир-қуйдирни ўрганишди. Ўғилларимиз томорқани бемалол эплашди. Катта қизимиз Мушаррифонун университетга ўқишга кирган, Йигитали ва Ислом Те-

мурбеклар мактабиде таҳсил олишмоқда. Ўзим мактабда рус тилидан, аёлим эса бошланғич синфларга дарс берамиз. Уйда дарсга тайёрланишимизни кўриб, болаларнинг ҳам ўқишга қизиқиши янада ортмоқда.

Бердимурод акадан 11 нафар болани тарбиялаш қийин бўлмаётими, деб сўрадик.



– Яширмайман, болалар оила шароитига кўникунларича бироз қийинчиликлар бўлди, – деди хонадон соҳиби. – Айримлари инжиқлик, ҳатто муомалада кўполликлар ҳам қилишди. Биз бунга табиий ҳол, деб қарадик. Улар билан тил топишишга, кўпроқ меҳр беришга ҳаракат қилдик. Ҳозир ҳаммаси изига тушган. Болалар бир-бирлари билан опа-ука, ака-сингил бўлиб кетишди. Бизни ота-она дейишди, биз ҳар бирига “ўғлим”, “қизим” деб исмларини қўшиб мурожаат қиламиз. Ўтган вақт давомиде уларни қузатиб, шунга амин бўлдикми, етим болалар қалбидеги бўшлиқни фақат ота-онанинг кексиз меҳри билангина тўлдирishi мумкин экан. Энг аввало, болаларга оила нима эканини ўргатдик, тушунтирдик. Биласизми, болалар оила муҳитига шунчалик тез киришиб кетишдики, бир-бирларига, катталарга бўлган муомалалари тубдан ўзгарди. Шун-

дан хулоса қилдимки, Меҳрибонлик уйда болага ҳар қанча таълим-тарбия, билим бериш мумкин. Лекин инсон ҳаётидаги энг муҳим эҳтиёж – оила ва уни бошқариш кўникмаси фақатгина оила муҳитида, яқинлари бағрида шаклланади экан.

Сўхбатимиз орасида болалар билан ҳам яқиндан танишидик ва фикрлари билан қизиқдик.

– Бошида ўзга оламга тушиб қолгандек бўлгандим, – дейди Диёрбек. – Оила, ота-она бағрида яшаш бошқача бўларкан. Онам билан дадам менга, шунингдек, ака-укаларим, опаларимга келажакимиз ҳақида чиройли орзулар қилишни, яхши инсон бўлиб етишиш учун кўп ўқиш, ўрганиш кераклигини айтишди. Айниқса, ҳаммамиз аҳил бўлишимиз, бир-биримизни доим қўллаб-қувватлашимиз, меҳр-оқибатни биринчи ўринга қўйишимиз лозимлигини кўп тақдирлашди. Бу борада ўзларни бизга намуна бўлишмоқда. Шундай оилада яшаётганимдан мамнунман. Келажакда менинг ҳам шунча катта оилам, кўп фарзандларим бўлишини хоҳлайман.

Бердимуродовлар хонадонидан ўзгача таассуротлар билан қайтдик. Аминимизки, ташкил этилган оилавий болалар уйлари тақдирнинг аччиқ қисматиға ташлаб қўйилган қўллаб етимлар ҳаётини изга солиб юборишга, уларни оила, ота-она бағрига қайтариб, меҳр булоғидан баҳраманд бўлиб, ҳаётда ўз ўрниларини топишига йўл очади.

**Нозима РАСУЛОВА,**  
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири  
Жалолiddин ЭСОHOV  
олган суратлар

## СПОРТ янгиликлари

### Диёра вице-чемпион!

Абу-Дабӣ шаҳрида дзюдо бўйича катталар ўртасида 37-жаҳон чемпионати давом этмоқда.



Дунёнинг 107 давлатидан дзюдочилар иштирок этаётган мусобақа вакилларимиз учун омадли бошланди.

Хусусан, 52 килограммгача бўлган вазнда ҳамюртимиз Диёра Келдиёрова финалға қадар етиб бориб, яқунда вице-чемпионга айланди. У ҳал қилувчи баҳсда Олимпия ўйинларининг икки қарра совриндори, италиялик Одетте Жуффридага қарши татамига чиқиб, имкониятни бой берди.

Ушбу натижа Диёрага жаҳон ва Олимпиада рейтингини учун 1 минг 400 очко тақдим этди.

### Бири юқорида, бири қуйида

Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигасининг 8-турида Олмалиқнинг ОКМК жамоаси ўз майдонида Жиззахнинг “Сўғдиёна” клубини қабул қилди.



Голларга бой ўтган баҳсда “Кончилар” 5:3 ҳисобида ғалаба қозонишди. Олмалиқликлар таркибиде Али Абдурахмонов ракиблар дарвозасини икки бор аниқ нишонга олган бўлса, Арихиро Сентоку, Хуршид Ғиёсов ва Ирақли Рухадзе ҳам номларини таблоға ёздириб қўйишди.

Бекободнинг “Металлург” жамоаси эса мазкур турда сафарда “Андижон”га қарши майдонға чиқди. Учрашув 1:1 ҳисобида якунланди. Бекободликлар таркибиде Голга Далер Шарипов муаллифлик қилди. Баҳснинг 71-дақиқасида эса мезбонлар футболчиси қизил картонча олиб, майдонни тарк этди. Шунга қарамай, “Металлург” ғалабани сақлаб қола олмади.

Мазкур турдан сўнг ОКМК ҳисобидеги ошқоларини 14 тага етказиб, 2-поғонаға кўтарилди. Жорий мавсумда ҳали ғалаба қозонмаган бекободликлар 4 очко билан 14 жамоа орасида 13-ўринни банд қилиб турибди.

### Тўрт камар соҳиби

Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёдда ташкил этилган бокс оқшомида украиналик Александр Усик ҳамда шу вақтға қадр мағлубиятға учрамаган британиялик Тайсон Фьюри тўқнашишди.



“Йил жанги” дея эътироф этилган жанг тўлиқ 12 раунд давом этди. 9-раундда украиналик боксчи ракибини ноқдаун ҳолатиға туширди. Шу устунлик эвазига Усик ҳақкамлар қарори билан ғалаба қозониб, оғир вазнда мутлақ жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритди.

Шу тариқа, А. Усик тўртта бокс ташкилоти – WBA, WBO, IBF ва WBC бўйича жаҳон чемпиони бўлиб, бокс тарихида 4 та камарни кўлга киритган ягона чарм кўлқоп устасига айланди.

“Тошкент ҳақиқати” муҳбири  
Сухробжон САДИРОВ тайёрлади

## Эълон

Гафурова Накия Анварбиковна номига 1993 йил 22 февралда берилган 07-01/7047 рақамли мулкнинг эгаллик ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## Тавсия

Мия – инсон танасидаги энг ноёб орган. У бир пайтнинг ўзида кўплаб мураккаб функцияларни бажаришға қодир.

Афсуски, вақт ўтган сари инсон танасининг бошқа органлари каби мия ҳам табиий равишда қарийди. Мутахасссларнинг тадқиқотлариға кўра,

ҳаётимизда учраётган кўплаб салбий омиллар таъсири туфайли инсон миёси кейинги йилларда тезроқ “кексаётган” экан. “ELife” нашрининг хабар беришича, мианинг “ёшлиғи”ни, самарали ишлашини сақлаб туриш учун кўп саъй-ҳаракат ёки қиммат дорилар талаб этилмайди. Мунтазам жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш ва тўғри овқатланишға риоға этишнинг ўзи кифоя.

Хусусан, исроиллик олимлар Ўрта Ер денгизи яшил парҳезини текшириб, унинг самарадорлигини исботлади. Бен-Гурион университети мутахассслари бир ярим йилдан зиёд вақт давомиде 300 нафар кишини қузатиб борган. Уларнинг 102 нафари семизликдан азият чеккан. Қузатув давомиде олимлар “мия ёши”ни ҳисоблаб чиқишди. Қизиқарлиси, аксарият ҳол-

ларда синовдан ўтаётганлар “миясининг ёши” уларнинг шахсий ҳужжатларидагидан кескин фарқ қилди.

Эътиборлиси, тажриба доирасида агар инсон жигарида ёғ концентрацияси камайса, мия ёшарини мумкинлиги аниқланди.

Табиийки, бунда параллел равишда инсон вазн йўқотилади. Шу билан бирга,

мия тузилмасида ажойиб ўзгаришлар рўй беради. Яъни, синов давомиде инсон танасининг вазни 1 фоизга камайганда, мия деярли 9 ойға ёшаргани маълум бўлган.

Ziyouz.com

## Миянги эътиборини

## МУҲИМ ЭСЛАТМАЛАР

1. Иш учун вақт топинг – бу муваффақият баҳоси.
2. Ўйлаш учун вақт топинг – бу куч манбаи.
3. Уйин учун вақт топинг – бу ёшлиқнинг сир.
4. Ўқиш учун вақт топинг – бу билим пойдевори.
5. Аллоҳ учун вақт топинг – бу диёнат йўлидир.
6. Дўстлик учун вақт топинг – бу бахт манбаи.
7. Севиғи учун вақт топинг – бу ҳаётнинг совғаси.
8. Орзу учун вақт топинг – шунда кўнгил юлдузларға етади.
9. Кулги учун вақт топинг – бу қийинчиликларни енгишға ёрдам беради.
10. Ғузалик учун вақт топинг – у кайфиятни кўтарди.
11. Соғлиқ учун вақт топинг – бу ҳаёт хазинаси.
12. Режалаштириш учун вақт топинг – бу юқоридаги вазифаларни бажариш учун вақт топиш сиридир.

## Биллур бисотдан

### Ота-онангиз неча йил яшайди?

ўтирибди, ҳа, ҳозирча ўтирибди! Сиз улардан оларингизни олиб бўлдингиз, улар сизға узата-узата қуриб бўлди.

Энди навбат сизники, шошилинч навбат сизники, берадиганингизни бериб қолинг. Унг кўзингиз уларда, чап кўзингиз бошқа топанларингизда бўлсин. Тилингиз биринчи уларнинг номини айтсин, пулингизнинг боши улар учун сарфлансин. Болаларингизға талпинаётган юрагингизни ёқасидан олиб, аввал ота-онангизға қара-

тинг! Ўзингизни уларсиз яшай олмайдигандай тутинг, ҳеч йўқ зоҳир шундай қилинг. Бу билан улар яшариб қолмайдилар, беллари ростланмайди, сочлари ҳам энди қораймайди! Фақат умрлари озгина узайиши мумкин, иншооллоҳ!

Сизнинг эътиборингиз, муруватингиздан кўпроқ мазза қилиш учун эмас, «Биз ҳали керак эканмиз, боламизнинг бирор ҳолатига яраб қолармиз», деб ҳам ўзларига умр талаб, ўлмай турарлар балки...

## Аввал ўзингни рисолага солмасанг бўлмайди!



Тўнглик, бақриб-чақриб гапириш кўпроқ эркакларға хосдир. Билиб қўйки, болани “Ҳа, бу бола-да, нимани биларди?” деб бўлмайдми, ҳатто муштдек болада ҳам таҳлил-тафаккур ва кайфият бор.

Эътибор берсанг, қўл чўзилгани билан бола ҳаммага ҳам боравермайди, хуш кўринсанггина қаулиб қарайди. Унинг йиғиси, инжиқликлари – бари сенга, атрофға бўлган эътирозларидир. Кайфиятнинг қандай тур-

са, болага шундай юзланишға асло ҳақинг йўқ. Олдин ўзингни мажбурлаб бўлса-да рисолага солиб, унга ботмайдиган тарзда муомала қилиш зарур.

Ўғлоним, ўзингиз холис айт, сенда қачон сиқиладиган, уйға киринг келмайдиган, ота-онангни бот-бот ёмон кўрадиган ҳолатларинг бўлган? Қачонки, ўрни келса-келмасе, жажл билан сенга бақирганларида, эр-хотин урилиб туриб, сени ҳам силтаб юборганларида, ҳолатинг билан ҳисоблашмай танбех берганларида! Шундай эмасми? Ушларни эсла ва болангга билиб муомала қил. Кулгонингда қолсин, ота-онангидан чиройли муомала кўрмай ўсган бола катта бўлса, жоҳил, бемеҳр одамға айланади, бундай-

лардан фақат бахтсизлик тарқайди, ўғлим! Ва унинг ўрниға бир зум ўзингни қўй, тасаввур қили, шу – сен! Ҳамда бу кепатангни боланг кўриб турибди дейлик!

Ўғлоним, агар болангнинг рўпарасида шу қўйға бир марта тушган бўлсанг ҳам, кези келиб, унга насиҳат қилолмай қолсан! Айбини айтдинг дегунча, ичиде устундан кулаверади. Кўзлари “ўзинг-чи?” деб тураверади! Сени ҳурмат қилмай қўйдими, унга насиҳатинг тошға сув селгандай гап! Қани айт-чи, ўзингнинг болангни ўзинг етаклай олмасанг, ким бўлдинг энди?!  
**Турсуной СОДИҚОВА,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



## TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

### TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentская pravda” gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Umrat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAQHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Behzod QOBULOV

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib: Alloma AZIZOVA

Navbatchi: O'tkir HOSHIKOV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 20:00

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-535.

4 983 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvardan

03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter makzazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.